

Ғанимат дамлар



14:41 / 03.11.2023 2653

Тонг отди. Кечаги кун мушоҳадаси ила ҳаёт деб аталмиш катта карвонга қўшиламыз. Баъзан кўнгилга эрк бериб, унинг бесамар кўчаларида роса адашдик. Баъзида нафсимизни жиловлаб, эзгулик булоғидан қонишга ҳаракат қилдик. Нима бўлганда ҳам, ўткан кунимиз поёнига етди.

Кеча отам зиёратига борсам бўларкан... Дўстимга бироз ўринсиз танбеҳ бердим, ҳафа бўлди... Бошлаган ишим юзасидан ўқиб-ўрганиш пайти эди. Ундан фойдалана олмадим... Лоқайдлигим сабаб кечки вақтим ҳам беҳуда кетди. Кечаги кунимни илм-маърифат билан безай олмадим.

Ногаҳон: «Эй одам боласи, мен янги кунман ва сенинг барча ҳатти-харакатингга гувоҳман. Чунки уларнинг барисини менинг давримда

қилаяпсан. Шундай экан, мендан яхши фойдаланиб қол, қадримга ет. Зеро, мен қиёматгача қайтиб келмайман», дейдиган вақтнинг ҳайқириғидан сергакландим. Англадимки, фурсат қадрини билмаслик ғафлатдир.

Улуғ донишмандлар демишларки, вақтни беҳуда ўтказиш банданинг Аллоҳдан узоқлашишидир. Суйган бандасининг куни барокатли, ҳар они унумли бўлади. Илм ва эзгулик истагидаги инсон вақтини зое кетишидан эҳтиёт бўлади. Акс ҳолда ўзига ўлчовли қилиб берилган вақтдек буюк неъматдан маҳрум бўлиб қолади.

Дарвоқе, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меросхўри бўлиш имкониятидан қанчалик фойдаландик? Кечаги ўткан кунимиз динга, инсонларга ва дунёга фойда бердимикан?! Қўлдан кетган моддий неъматлар ўрнини тўлдирармиз, бироқ кечаги кунда тақсимланган вақтнинг ўрни нима билан босилади? Ана шундай ўй-ташвишлар исканжасида КЕЧАМиз ўтди...

Ҳаёт давом этар экан, инсон умри роҳат ва машаққат, камчилик ва тўқислик ҳамда саломатлик ва хасталик ўртасида тошқин дарёдек ўтаверади. Бепарволик ила умрнинг шу зайлда ўтаётганига маҳлиё бўлиб юраверамиз. Аслида умр вақтдир. Аслида умр эмас, биз ўтиб боряпмиз.

Одатда хурсандчилик кунлар тезроқ, маҳзунлик соатлар секин ва оғир ўтаётгандек туюлади. Бироқ шу дамларда ибрат назаридан, тафаккурдан маҳрумлик ана ўшандай инсон ҳолатини келтириши тайиндир. Армон ва надоматлар гирдоби домига тортиб кетмасдан бурун дунё ҳаётининг бугуни ўйлантиради. Зеро, тез ўтувчи вақт (умр)нинг ортга қайтмаслиги аниқ-ку! Эртага эса бугунни топиб бўлмаслиги айни ҳақиқат. Зотан, илм ва маърифат аҳллари бугунни кечаги кундан, эртанги кунни эса бугунгидан афзалроқ ўтказишга жаҳд қилишган. Дониш аҳли дейдики: «Кимнинг бугуни кечаги каби ўтаётган бўлса, у алдангандир». Англаганим бугуннинг ўз амали ва лаҳзасига қадар ўлчаб берилган вақтнинг вазифаси борлигидир.

Дунё ташвишлари, ҳавотирлар ичида бугунимиз ўтмоқда...

Вожаб! Кун ўтганига хурсанд бўлаётган инсонлар ҳолигаки, асл сармоя

ҳисобланган умрнинг бир қисми кетиб турибди. Ҳаёт дафтаримиздан яна бир саҳифа яқун топди. Кафолатсиз етишга интилаётган эртанги куним бугунги амалларимга боғлиқмикан? Ортга қайтмас фурсатим ичра хайрли ва эзгу ишларга, илм-маърифат ҳосил қилишга безак бўлиб маъно кашф этарми?... Бугун нақд бўлиб турган нафис вақт ичида ҳикматлар билан ўралган дунёнинг поёнсиз сўқмоқларида эртамыз ҳам ўтарми?..

Маҳмуд Қаҳҳоров
«Ҳилол» журналининг 7 (52) сонидан